



МИНТАҚАВИЙ РИВОЖЛАНИШ ВА МОЛИЯВИЙ МЕХАНИЗМЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ

Давранов Орзу

Тошкент давлат иқтисодиёт университети хузуридаги
“Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг
илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази
ORCID: 0009-0002-2460-0783
davranovorzu@gmail.com

Аннотация. Мақолада минтақавий ривожланишнинг назарий асослари ва эволюцияси таҳлил қилинган. Конвергенция ва дивергенция назариялари, ядро–периферия модели, эндоген ўсиш ҳамда инновация ва кластерлашув концепциялари кўриб чиқилган. Шунингдек, молиявий механизмлар ва давлат молиясининг ҳудудий ривожланишдаги ўрни очиб берилган.

Калит сўзлар: минтақавий ривожланиш, молиявий механизмлар, конвергенция, дивергенция, инновация, кластер, барқарорлик.

ВЗАИМОСВЯЗЬ РЕГИОНАЛЬНОГО РАЗВИТИЯ И СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ФИНАНСОВЫХ МЕХАНИЗМОВ

Давранов Орзу

Научно-исследовательский центр
«Научные основы и проблемы развития экономики Узбекистана»
при Ташкентском государственном экономическом университете

Аннотация. В статье анализируются теоретические основы регионального развития и их эволюция. Рассмотрены теории конвергенции и дивергенции, модель «ядро–периферия», а также современные концепции эндогенного роста, инноваций и кластеризации. Особое внимание уделено роли финансовых механизмов и государственных финансов в обеспечении устойчивого регионального развития.

Ключевые слова: региональное развитие, финансовые механизмы, конвергенция, дивергенция, инновация, кластер, устойчивость.

THE INTERRELATION BETWEEN REGIONAL DEVELOPMENT AND THE IMPROVEMENT OF FINANCIAL MECHANISMS

Davranov Orzu

Scientific Research Center "Scientific Foundations and Problems
of the Development of the Economy of Uzbekistan"
under Tashkent State University of Economics

Abstract. The article analyzes the theoretical foundations and evolution of regional development. It examines the theories of convergence and divergence, the core–periphery model, as well as modern concepts such as endogenous growth, innovation, and clustering. The role of financial mechanisms and public finance in ensuring sustainable regional development is also highlighted.

Keywords: regional development, financial mechanisms, convergence, divergence, innovation, cluster, sustainability.

Кириш.

Минтақавий ривожланиш муайян ҳудудда мавжуд иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқариш кучларини мақбул жойлаштириш ва аҳоли фаровонлигини юксалтиришга қаратилган узлуксиз ижтимоий-иқтисодий трансформация жараёни сифатида талқин этилади. Ушбу тушунча иқтисодий география, минтақавий иқтисодиёт ва давлат молияси каби фан соҳаларида кенг ўрганилиб келмоқда.

Жаҳон илмий мактабларида минтақавий ривожланиш назариялари турли йўналишларда шаклланган ва тараққий этган:

- неоклассик назариялар (Р.Солоу, Т.Сван): капитал ва меҳнат ресурсларининг ҳудудлар ўртасида эркин ҳаракатланиши иқтисодий ўсишда тенглашув жараёнини таъминлайди, деган ғояни илгари суради.

- эндоген ривожланиш назарияси (П. Ромер, Р. Лукас): инсон капитали, билим ва инновацияларни ҳудудий тараққиётнинг асосий омиллари сифатида кўради.

- иқтисодий полюслар назарияси (Ф. Перру, Ж. Будвиль): иқтисодий ўсиш, аввало, айрим марказларда концентрацияланиб, кейинчалик бутун минтақаларга тарқалишини асослайди.

- кластерли ривожланиш концепцияси (М. Портер): рақобатбардош тармоқларни ҳудудий гуруҳларда ташкил этиш орқали самарадорликка эришиш имкониятини кўрсатади.

Шу назариялар таҳлили шуни англатадики, ҳудудлардаги ўсиш ресурслари ва молиявий воситаларнинг тўғри йўналтирилиши минтақавий ривожланишнинг асосий кафолати ҳисобланади.

Адабиётлар шарҳи.

Молиявий механизм давлатнинг иқтисодий жараёнларга таъсир кўрсатишдаги асосий воситаларидан бири ҳисобланади. У молиявий тизим, молиявий сиёсат, молиявий институтлар, қонунчилик базаси ва молиявий воситалар мажмуасидан иборат бўлиб, улар жамиятда иқтисодий барқарорликни таъминлашга йўналтирилган. Илмий манбаларда таъкидланганидек, молиявий механизм қуйидаги асосий элементларни ўз ичига олади:

- Молиявий воситалар: солиқлар, бюджет ажратмалари, субсидиялар;
- Молиявий институтлар: давлат хазинаси, марказий банк, молия вазирлиги;
- Қонуний база - молиявий муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжатлар

(Moldovan, 2009).

Мазкур механизм орқали давлат товар ва хизматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш жараёнларида молиявий иштирокини амалга оширади (Rebrova, 2020).

Давлат молияси давлат иқтисодий сиёсатининг амалий пойдевори бўлиб хизмат қилади. Унинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Қайта тақсимлаш - солиқлар ва трансфертлар орқали жамиятдаги даромад тенгсизлигини камайтириш (Giurgiu & Duma, 2010).

2. Стабиллаштириш макроиқтисодий ўзгаришларга қарши чоралар кўриш (инфляцияга қарши кураш, иқтисодий ўсишни рағбатлантириш).

3. Молиявий хизмат кўрсатиш давлат ташкилотлари ва аҳолини ижтимоий хизматлар билан таъминлашда молиявий асос яратиш (Sześciło, 2020).

Жамоат хизматларини самарали молиялаштириш давлатни баҳолашдаги асосий кўрсаткич ҳисобланади. Бюджет маблағларининг режалаштирилиши ва мониторинги молиявий механизмнинг марказий қисми сифатида қаралади (Rebrova, 2020).

Молиялаштириш усуллари қуйидагилардан иборат: бевосита бюджет молиялашуви; давлат-хусусий шериклик (ДХШ); маҳаллий ҳокимият облигациялари

(Vyhovska, 2021). Davlat–хусусий шериклик жамоат инфратузилмасини ривожлантиришда муҳим восита бўлиб, бюджет маблағлари хусусий сармоя билан уйғунлашган ҳолда амалга оширилади (Zabashtskyi & Yevtushenko, 2023). Афзалликлари: давлат бюджетига тушадиган юкни камайтиради; янгиликлар ва самарадорликни оширади; инфратузилмани тезкор ривожлантиради. Кризис ҳолатларида (масалан, пандемиялар, табиий офатлар) молиявий фавқулудда механизмлар ишга туширилади. Улар тезкор чоралар кўриш, ресурсларни қайта тақсимлаш ва хавфларни молиялаш орқали иқтисодий барқарорликни таъминлайди (Ting-ting, 2012).

Давлат молиясининг самарали фаолият юритиши унинг шаффофлиги ва жавобгарлиги билан чамбарчас боғлиқ. Фуқаролар ва манфаатдор томонларнинг молиявий қарорларда иштирокини таъминлаш молия сиёсатининг барқарорлигини кучайтиради (Хуеринг, 2004). Айрим тадқиқотчилар молиявий механизмларга фалсафий-диалектик нуқтаи назардан ёндашиб, уни жамият фаровонлиги ва барқарор тараққиётни таъминлаш воситаси сифатида талқин қилади (Demianyshyn & Ногун, 2020).

Бугунги кунда давлат молияси иқтисодий ноаниқлик, қарз юки ва бюджет дефицити хавфларини ҳисобга олган ҳолда самарали бошқарувни талаб қилади. Шу боис молиявий стратегиялар узоқ муддатли барқарорлик ва молиявий хавфсизликни таъминлашга йўналтирилиши зарур (Chornovol et al., 2020).

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, қуйидаги хулосага келинди: молиявий механизмлар ва давлат молияси нафақат техник функцияларни бажаради, балки стратегик давлат бошқарувининг асосий қисми сифатида намоён бўлади. Уларнинг самарали ишлаши иқтисодий барқарорлик, ижтимоий адолат ва сиёсий ишончнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Молиявий механизм - бу молиявий ресурсларни шакллантириш, тақсимлаш ва улардан самарали фойдаланишни таъминловчи институтлар, усуллар ва воситалар мажмуаси ҳисобланади. Унинг самарадорлиги иқтисодий жараёнларнинг барқарорлиги, ҳудудий ривожланиш суръатлари ҳамда аҳоли фаровонлигига бевосита таъсир кўрсатади.

Минтақавий ривожланиш жараёнида молиявий механизмлар қуйидаги асосий йўналишларда намоён бўлади:

- Бюджет ресурслари: субвенциялар, субсидиялар ва трансфертлар орқали ҳудудлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий номутаносибликларни юмшатишга хизмат қилади.

- Кредит ресурслари: тижорат банклари, лизинг компаниялари ва микрокредит воситалари орқали маҳаллий инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш имконини беради.

- Инвестиция ресурслари: давлат–хусусий шериклик, минтақавий облигациялар, венчур капитал ҳамда халқаро молиявий институтлар (IFC, ADB, IsDB ва бошқалар) маблағлари орқали ҳудудларда инвестиция муҳитини кенгайтиришни таъминлайди.

- Солиқ–бюджет стимуллари: солиқ имтиёзлари ва божхона енгилликлари орқали инвестициявий жозибадорликни оширишга хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, ушбу молиявий механизмларнинг самарали йўналтирилиши ҳудудларда қўшилган қиймат ҳосил қилиш имкониятларини кенгайтиради, иқтисодий ўсишнинг барқарорлигини таъминлайди ва минтақавий ривожланиш жараёнларини рағбатлантиради.

Минтақавий ривожланиш — бу ҳудудларнинг иқтисодий ўсиши, ижтимоий тараққиёти ва инфратузилмавий салоҳиятини изчил равишда юксалтириш жараёни

бўлиб, унинг барқарор амалга ошиши молиявий механизмларнинг самарали ишлаши билан узвий боғлиқдир. Минтақавий ривожланиш нафақат ялпи иқтисодий кўрсаткичлар ўсиши, балки аҳолининг турмуш даражаси, инвестиция муҳити, иш ўринлари ва ҳудудлар ўртасидаги мувозанатли тараққиётни ҳам ўз ичига олади.

Иқтисодий назарияда ушбу масалага оид турли мактаб ва йўналишлар шаклланган бўлиб, уларда молиявий механизмларнинг ўрни алоҳида таъкидланади. Хусусан:

- Классик мактаб ва анъанавий назарияларда молия ресурсларининг ҳудудлар ўртасида эркин ҳаракати орқали иқтисодий тенглашувга эришиш (конвергенция), акс ҳолда ривожланиш марказлари ва чекка ҳудудлар ўртасидаги фарқнинг ортиб бориши (дивергенция) назариялари илгари сурилган. Шунингдек, ядро-периферия моделида иқтисодий фаолликнинг муайян марказларда жамланиши ва молиявий ресурсларнинг асосан шу марказларга йўналиши таърифланган.

- Замонавий ёндашувлар эса молиявий механизмларнинг сифат жиҳатини илгари суради. Жумладан, эндоген ўсиш назариясида молия инсон капитали ва инновацияларни қўллаб-қувватлашда муҳим восита сифатида намоён бўлса, кластер назариясида молиявий ресурслар маҳаллий тармоқларни қувватлаш орқали рақобатбардошликни кучайтиради. “Ақлли ихтисослашув” концепцияси эса молия ресурсларини ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос салоҳияти ва эҳтиёжларига мос йўналтириш зарурлигини асослайди.

Шу тариқа, минтақавий ривожланиш назарияларининг барчасида молиявий механизмлар марказий ўринда туриб, улар иқтисодий ўсишни таъминлаш, ҳудудий номутаносибликларни юмшатиш ва узоқ муддатли барқарор тараққиётни рағбатлантиришнинг асосий воситаси сифатида кўрилмоқда.

Биринчидан, неоклассик ўсиш назарияси иқтисодий ривожланишда ресурсларнинг эркин ҳаракати ва капиталнинг инвестиция воситалари орқали ҳудудлар ўртасида қайта тақсимланишини тенглашув жараёни сифатида изоҳлайди. Ушбу ёндашувда молиявий механизмлар: кредит бозори, молиявий институтлар ва банк тизимлари орқали капитал оқимларини самарали тақсимлаш жараёнида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Агар молиявий бозорлар ривожланган ва банк сектори инвестиция оқимларини мақсадли йўналтира олса, кам ривожланган ҳудудларга капитал кириши таъминланади, бу эса уларнинг иқтисодий ўсишига тўртки беради ҳамда минтақавий фарқларни қисқартиришга хизмат қилади (Solow, 1956; Swan, 1956).

Иккинчидан, эндоген ўсиш назарияси иқтисодий тараққиётнинг асосий омиллари сифатида инсон капитали, билим ва инновация жараёнларини белгилайди. Мазкур назария нуқтаи назаридан, молиявий механизмлар инвестицияларни фақат жисмоний капиталга эмас, балки таълим грантлари, илмий-тадқиқот дастурлари, инновация фондлари ва венчур сармоялар каби воситалар орқали билим ва технологияларга йўналтириши зарур. Шу орқали ҳудудларда инновацион салоҳият ошади, янги иш ўринлари яратилади ва рақобатбардошлик кучаяди. Бундай молиявий сиёсат узоқ муддатли барқарор ўсиш учун зарур институционал ва иқтисодий асосни таъминлайди (Romer, 1990; Lucas, 1988).

Учинчидан, “иқтисодий ўсиш қутблари назарияси” ҳисобланади. Мазкур назарияга кўра, иқтисодий ўсиш мамлакатнинг барча ҳудудларида бир вақтнинг ўзида ёки бир хил суръатда содир бўлмайди. Аксинча, у айрим марказий ҳудудларда ёки иқтисодиётнинг стратегик тармоқларида тўпланиб, ўсиш қутбларини шакллантиради (Ф. Перру, 1950; Ж. Будвиль, 1966). Бундай қутбларда йирик саноат корхоналари, илмий-технологик марказлар ва инфратузилма объектлари жамланади. Натижада ҳудудий иқтисодий фаоллик кучаяди ва қўшни ҳудудларга тарқалиш (диффузия) эффекти орқали ижобий таъсир кўрсатади. Ф. Перру таъкидлаганидек, ўсиш қутблари фақат географик ҳудудий марказлар эмас, балки иқтисодиётнинг драйвер тармоқлари сифатида ҳам намоён бўлади. Улар ўз атрофида қатор тармоқларни ва хизмат соҳаларини бирлаштириб,

худудлараро кооперация ва иқтисодий интеграция жараёнларини рағбатлантиради (Perroux, 1950).

Шунингдек, Ўзбекистон шароитида ҳам саноат-логистика марказлари, транспорт коридорлари ва илмий-инновацион худудлар каби ўсиш қутбларини аниқ белгилаш ва уларга молиявий ресурсларни устувор равишда йўналтириш минтақавий ривожланиш стратегиясининг асосий йўналишларидан бири бўлиб хизмат қилиши зарур.

Тўртинчидан, кластерли ривожланиш (cluster development) концепцияси минтақавий иқтисодий ўсишда муҳим назарий йўналиш сифатида эътироф этилади (Porter, 1998). Мазкур концепцияга кўра, худуддаги ресурслар, корхоналар ва муассасалар муайян тармоқ ёки соҳалар атрофида гуруҳланиб, ўзаро рақобат ва ҳамкорлик муносабатлари асосида самарали ишлайди. Бундай муҳитда инновация жараёнлари жадаллашади, ишлаб чиқариш занжирлари шаклланади ва маҳаллий иқтисодий фаолиятнинг барқарор ўсиши таъминланади.

Кластерларнинг самарали фаолияти учун молиявий механизмлар алоҳида аҳамиятга эга. Давлат-хусусий шериклик (ДХШ) асосидаги лойиҳалар, махсус инвестиция фондлари, минтақавий облигациялар, лизинг воситалари ва кредит линиялари кластер инфратузилмасини молиялаштиришда қўлланилади. Бу воситалар нафақат молиявий барқарорликни таъминлайди, балки кластер иштирокчилари ўртасида ресурслар тақсимотини самарали йўналтиришга ёрдам беради.

Шу билан бирга, кластерли ривожланиш концепцияси молиявий механизмларнинг худудий ривожланишдаги ролини қуйидаги йўналишларда ифодалайди (1-расм):



1-расм. Кластерли ривожланишда молиявий механизмларнинг асосий йўналишлари

Манба: ўрганишлар бўйича муаллиф томонидан шакллантирилган.

Шу тариқа, кластерли ривожланиш концепцияси молиявий механизмларни ҳудудий сиёсатнинг марказий элементи сифатида кўриб, уларни стратегик ва институционал вазифалар билан уйғунлаштиришни талаб қилади.

Назарий йўналишларда молиявий механизмлар фақат ресурс манбаи ёки маблағ тақсимловчи восита сифатида эмас, балки институтлар, қонунчилик ва сиёсий механизмлар билан узвий боғлиқ ҳолда қаралади. Бу эса молиявий воситаларнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан институционал муҳит ва давлат бошқаруви тизимига боғлиқ эканлигини кўрсатади.

Жумладан, институционал иқтисод назариясида таъкидланганидек, қонун устуворлиги, ҳуқуқий кафолатлар ва молиявий институтларнинг самарали фаолияти инвестиция жараёнлари ва молия механизмининг тўғри йўналтирилиши учун асосий шарт ҳисобланади (North, 1990). Агар ҳуқуқий асослар етарли даражада мустаҳкам бўлмаса ёки институтларда шаффофлик таъминланмаса, молиявий ресурслар нотўғри йўналтирилиши, коррупция хавфининг ортиши ва иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайиши эҳтимоли юқори бўлади. Шу нуқтаи назардан, молия механизмларини самарали ишлатиш нафақат иқтисодий, балки институционал ислохотларни ҳам тақозо этади.

Шу билан бирга, фискал федерализм концепцияси ҳудудий бюджет тизимининг назарий ва амалий асосларини белгилайди. Унга кўра, марказий ҳукумат ва маҳаллий ҳокимиятлар ўртасидаги молиявий муносабатлар трансфертлар, субвенциялар ва бюджет тенглаштириш механизмлари орқали мувозанатга келтирилиши зарур. Бу воситалар ҳудудий тенгсизликни камайтириш, ресурсларни адолатли тақсимлаш ва минтақаларда ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлашга хизмат қилади (Oates, 1972).

Фискал федерализм назарияси, айниқса, катта ҳудудий фарқларга эга мамлакатларда аҳамиятлидир. Марказлашган ҳолда тўпланган бюджет маблағларининг самарали қайта тақсимланиши орқали чекка ҳудудларда инфратузилмани ривожлантириш, ижтимоий хизматларни кенгайтириш ва хусусий инвестицияларни рағбатлантириш имконияти пайдо бўлади. Шу жиҳатдан, молиявий механизмлар ҳудудий ривожланиш сиёсатининг нафақат иқтисодий, балки ижтимоий ва сиёсий барқарорлик омили сифатида ҳам намоён бўлади.

Хорижий тадқиқотларда ҳам молиявий механизмларнинг ҳудудий ривожланиш жараёнларига таъсири атрофлича ўрганилган. Жумладан, Ostovskaya, Polishchuk & Pavlenko (2021) ўзларининг асарида ҳудудий барқарорликни таъминлаш ва ривожлантиришда молиявий воситаларнинг ўрнини кенг таҳлил қилади. Муаллифлар молиявий механизмларнинг таъсир йўналишларини бешта асосий блокда ифодалайдилар:

1. Антикризис воситалари – иқтисодий ва ижтимоий инқироз оқибатларини юмшатиш, молиявий хавф ва хатарларни бошқариш.
2. Барқарорликни тиклаш механизмлари – иқтисодий инқироздан кейинги ривожланиш ва ҳудудий инфратузилмани қайта тиклаш.
3. Манбаларни шакллантириш – молиявий ресурсларни диверсификация қилиш, янги молиялаштириш каналларини жорий этиш.
4. Инновация ва инвестиция жараёнлари – янги технологиялар, илмий-тадқиқот ишлари ва бизнес-ташаббусларни қўллаб-қувватлаш.
5. Механизм кучини шакллантириш – молиявий тизим самарадорлигини ошириш, институтлар ва назорат тизимларини мустаҳкамлаш.

Шу билан бирга, Orgieşescu & Duşa (2022) ўз тадқиқотида ҳудудий ривожланишни молиялаштириш тизими концептуал жиҳатдан таҳлил қилинади. Муаллифлар молиявий воситаларни икки йирик тоифага ажратиб кўрсатадилар:

- Анъанавий воситалар: давлат бюджети маблағлари, ички ва ташқи кредит ресурслари, Европа Иттифоқи структурали фондлари.

- Замоनावий воситалар: маҳаллий облигациялар, давлат-хусусий шериклик (ДХШ) лойиҳалари, инфратузилмани лизинг асосида молиялаштириш, халқаро молиявий институтлар ресурсларини жалб қилиш.

Муаллифлар таъкидлашчи, ҳозирги глобал шароитда ҳудудий ривожланиш учун фақат анъанавий бюджет ва кредит воситалари етарли эмас. Шу боис замоनावий молиялаштириш йўналишлари – айниқса, ДХШ асосидаги инфратузилма лойиҳалари, маҳаллий ва минтақавий облигациялар, венчур капитал ҳамда инновация фондлари, ҳудудларда иқтисодий фаолликни ошириш ва ижтимоий лойиҳаларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хулоса ва таклифлар.

Минтақавий ривожланиш назариялари ва хорижий амалиёт таҳлили шуни кўрсатадики, молиявий механизмлар ҳудудий тараққиётда стратегик институтлар сифатида хизмат қилади. Улар нафақат ресурс тақсимотини манбаи, балки капитал оқимларини тартибга солувчи, инвестиция муҳитини шакллантирувчи ва иқтисодий фаолликни ҳудудлар бўйича йўналтирувчи асосий восита ҳисобланади.

Бир томондан, неоклассик ва эндоген ўсиш назариялари молия механизмларининг капитал тақсимоти, инсон капитали ва инновация жараёнларига таъсирини очиқ берса, иккинчи томондан институционал йўналишлар (North, Oates ва бошқалар) молия самарадорлигини таъминлашда ҳуқуқий ва сиёсий муҳитнинг ҳал қилувчи ўрнини асослайди. Шу орқали молиявий механизмлар иқтисодий жараёнлардан ташқари, институционал барқарорлик ва шаффофлик билан чамбарчас боғлиқ эканлиги намоён бўлади.

Шунингдек, минтақавий ривожланиш стратегияларида молия механизмларини шакллантиришда қуйидаги йўналишлар устувор аҳамиятга эга:

- институционал муҳит ва назорат тизимлари молиялаштириш жараёнларининг қонунийлиги, шаффофлиги ва ҳисобдорлигини таъминлайди;

- бюджет трансфертлари ва маҳаллий облигациялар ҳудудлар молиявий барқарорлигини қўллаб-қувватлайди;

- давлат-хусусий шериклик (ДХШ) ва инновация фондлари инфратузилмавий ривожланиш, технология ва инвестиция оқимларини кенгайтириш имконини яратади.

Хулоса қилиб айтганда, молиявий механизмлар ҳудудий фаровонлик, ижтимоий адолат ва узоқ муддатли барқарор ривожланишнинг асосий кафолати бўлиб, уларнинг самарадорлиги иқтисодий ва институционал омилларни уйғунлаштириш орқали таъминланади.

Адабиётлар /Литература/Reference:

Boudeville, J.R. (1966) *Problems of regional economic planning*. Edinburgh: Edinburgh University Press.

Chornovol, A., Tabenska, J., Tomniuk, T., & Prostebi, L. (2020). *Public finance management system in modern conditions. Investment Management and Financial Innovations*. [https://doi.org/10.21511/imfi.17\(4\).2020.34](https://doi.org/10.21511/imfi.17(4).2020.34).

Demianyshyn, V., & Horyn, V. (2020). *A dialectical approach to the study of the financial mechanism for ensuring public welfare. INNOVATIVE ECONOMY*. <https://doi.org/10.37332/2309-1533.2020.3-4.21>.

Giurgiu, A., & Duma, F. (2010). *Public finance versus private finance*.

Lucas, R.E. (1988) 'On the mechanics of economic development', *Journal of Monetary Economics*, 22(1), pp. 3–42.

Moldovan, I. (2009). *Financial Mechanism Components*. , 47, 120-126.

North, D.C. (1990) *Institutions, institutional change and economic performance*. Cambridge: Cambridge University Press.

Oates, W.E. (1972) *Fiscal federalism*. New York: Harcourt Brace Jovanovich.

Oprișescu, M. and Dușa, A.G. (2022) 'Systems of regional development financing: from classic mechanisms to modern resource mobilization channels', *Finanțe – provocările viitorului*, 24(1), pp. 33–39.

Ostovskaya, A., Polishchuk, E. and Pavlenko, I. (2021) 'Financial mechanism for sustainable regional development', *E3S Web of Conferences*, 280, 100882.

Perroux, F. (1950) 'Economic space: theory and applications', *Quarterly Journal of Economics*, 64(1), pp. 89–104.

Rebrova, V. (2020). *Development of the Financial Mechanism for the Provision of Public Services*. *Humanities and Social Sciences. Bulletin of the Financial University*. <https://doi.org/10.26794/2226-7867-2020-10-4-137-139>.

Romer, P.M. (1990) 'Endogenous technological change', *Journal of Political Economy*, 98(5), pp. S71–S102.

Solow, R.M. (1956) 'A contribution to the theory of economic growth', *Quarterly Journal of Economics*, 70(1), pp. 65–94.

Swan, T.W. (1956) 'Economic growth and capital accumulation', *Economic Record*, 32(2), pp. 334–361.

Sześciło, D. (2020). *Public financial management. Public Administration in Central Europe*. <https://doi.org/10.4324/9780429286452-16>.

Ting-Ting, S. (2012). *Probe into the Public Financial Emergency Mechanism*. *Journal of University of Electronic Science and Technology of China*.

Vyhovska, O. (2021). *Formation of the Financial Support Mechanism for Public Transport Enterprises*. *Accounting and Finance*. [https://doi.org/10.33146/2307-9878-2021-2\(92\)-35-43](https://doi.org/10.33146/2307-9878-2021-2(92)-35-43).

Xueping, Z. (2004). *Democratic Mechanism of Public Finance*.

Zabashchanskyi, M., & Yevtushenko, Y. (2023). *FINANCIAL MECHANISM FOR THE DEVELOPMENT OF PUBLIC-PRIVATE PARTNERSHIP IN UKRAINE*. *Problems and prospects of economics and management*. [https://doi.org/10.25140/2411-5215-2022-2\(34\)-165-173](https://doi.org/10.25140/2411-5215-2022-2(34)-165-173).

Шулюк, Б. (2018). *Conceptual principles for financial mechanism of public-private partnership*. *The Journal of Zhytomyr State Technological University. Series: Economics, Management and Administration*. [https://doi.org/10.26642/jen-2018-4\(86\)-117-122](https://doi.org/10.26642/jen-2018-4(86)-117-122).